

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида:
УДК: 336.2 (543)
ББК: 65.261 (44)
А-80*

АРТИКХОДЖАЕВА УМИДА ХАСАНОВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА АҲОЛИ ПУЛ
ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мутахассислиги: 5А341002 – Марказий Осиё мамлакатларини тадқиқ этиш

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
И.ф.н., доц. Эрмаматов Ш.Ж.

ТОШКЕНТ – 2012

Магистрлик диссертацияси ҳимояга тавсия этилади

Магистратура бўлими

бошлиғи

Ҳабибуллаев А.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-7
1-БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	8-25
1.1. Аҳоли даромадларининг моҳияти ва турлари.....	8-18
1.2. Аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш.....	19-25
2-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	35-43
2.1. Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати.....	26-34
2.2. Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли даромадлари динамикаси ва таркиби.....	35-43
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ИМКОНияТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	44-
3.1. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар.....	44-53
3.2. Ўзбекистонда аҳоли даромадларини оширишнинг асосий йўналишлари.....	
ХУЛОСА.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида”¹ бўлиб келмоқда.

Аҳоли даромадларини ошириб бориш борасида қатор ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар кўлами анча кенг. Бу, энг аввало, аҳоли даромадлари ҳажми бўйича республикаимизнинг нафақат ривожланган, балки баъзи ривожланаётган мамлакатлар кўрсаткичидан ҳам орқада эканлигимизда, аҳоли даромадлари таркибининг такомиллашмаганлигида, харажатлар таркибида истеъмол харажатлари улушининг юқорилигида ўз аксини топади. Шу муносабат билан Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли даромадларининг шаклланишини қиёсий таҳлил қилиш асосида ҳар бир мамлакатга хос бўлган хусусиятларни аниқлаш, минтақа мамлакатларида тўпланган тажриба ва йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда республикаимизда аҳоли даромадларини ошириш ва таркибини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги

¹ Ислом Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги бошқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

кунда муҳим аҳамият касб этади ва ушбу магистрлик диссертациясининг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бозор муносабатлари шароитида аҳоли даромадлари миқдорини муттасил ошириб боришнинг объектив зарурлиги, аҳоли даромадлари таркиби ва уни такомиллаштириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар – Бурджалов Ф., Галанц В., Добришева П., Игнатьев В.Г., Кураков Л.П., Мазелис Л.С., Родионов А., Е.В.Тишин, Фомина В.П., Шалаева В.А. ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган².

Ўзбекистонда аҳоли даромадларини оширишнинг устувор йўналишлари, аҳоли даромадлари ва харажатларининг шаклланиш хусусиятлари мамлакатимиз олимлари – Ваҳобов А.В., Беркинов Б.Б., Ғофуров У.В., Саидова Г.К., Тўхлиев И.С., Холматов Н.Б., Қодиров А.М., Ходиев Б.Ю.³ ва бошқалар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Шу билан бирга Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли пул даромадлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари мамлакатимиз иқтисодий адабиётида етарли даражада ўрганилмаган. Аҳоли даромадларини муттасил ошириб боришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг танланишига сабаб бўлди.

² Бурджалов Ф. Экономическая роль социальной деятельности государства. М.: ИМЭМО РАН, 2009; Кураков Л.П. Стратегическое планирование развития составляющих социальной сферы: Дис. ... д-ра экон.наук. СПб., 2003; Родионов А., Галанц В. Социальная сфера: новый взгляд на проблемы развития //Человек и труд. 1998. – №1.; Экономика социальной сферы: Учеб. Пособие /В.Г.Игнатьев и др. 2-е изд. М.; Ростов н/Д, 2005; Мазелис Л.С. Совершенствование управления инвестиционной деятельностью по развитию социальной сферы региона на современном этапе. – М.: МАКС-ПРЕСС, 2008; Фомина В.П. Проблемы экономического регулирования социальной сферы: Дисс. ...д-ра экон. Наук. М., 2000; Управление развитием социальной сферы муниципальных образований /Под.общ.ред.Е.В.Тишина. – М., 2001; Шалаева В.А. Система целевых показателей развития социальной сферы региона: Дисс: канд.экон. наук. – Ульяновск, 2000; Дробышева, П. В. Интегральная оценка качества жизни населения региона: монография /П.В.Дробышева, Б.И.Герасимов; под.ред. Б. И. Герасимова. – Тамбов: Тамб. гос. ун-т, 2004.

³Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.; Ваҳобов А.В. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг мезонлари. //“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012. – Б.5; Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистонда аҳоли даромадларини оширишнинг долзарб муаммолари//“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012.

Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли даромадлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва Ўзбекистон аҳолиси даромадларини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлашдан иборат.

Ушбу мақсадга мувофиқ ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни таҳлил қилиш асосида аҳоли даромадлари атамасининг моҳиятини очиб бериш ва унинг шаклланиш манбаларини ёритиш;
- глобаллашув шароитида аҳоли даромадларини ошириб боришнинг объектив зарурлигини асослаб бериш;
- Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш;
- минтақа мамлакатларида аҳоли даромадлари динамикаси ва таркибини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда аҳоли даромадларини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Магистрлик ишининг объекти сифатида Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси даромадларининг шаклланиш хусусиятлари танлаб олинди.

Магистрлик диссертациясининг предмети бўлиб аҳоли даромадларини ошириш йўллари ва усуллари ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг назарий-услубий асоси бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, аҳоли даромадларини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий

Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида меъёрий, таққослаш, гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллар қўлланилди.

Магистрлик диссертациясининг ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий Осиё мамлакатларининг статистика органлари ҳамда МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилик хусусиятларига эга жиҳатлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида аҳоли даромадлари атамасининг моҳияти ва унинг шаклланиш хусусиятлари ёритиб берилган;

- глобаллашув шароитида аҳоли даромадларини ошириб боришнинг объектив зарурлиги асослаб берилган;

- Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида макроиқтисодий ўзгаришларнинг аҳоли даромадларига таъсири асослаб берилган;

- Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли даромадларини ошириш омиллари ва шарт-шароитларига баҳо берилган;

- Ўзбекистонда аҳоли даромадларини ошириш бўйича тақлифлар тайёрланган.

Ишнинг амалий аҳамияти. Диссертацияда илмий жиҳатдан асосланган тақлиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида аҳоли

даромадларини оширишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертацияси материалларидан “Ижтимоий соҳа ривожланиши хусусиятлари”, “МДХ мамлакатлари иқтисодиёти” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи бобда турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни таҳлил қилиш асосида аҳоли даромадлари атамасининг моҳияти, унинг шаклланиш хусусиятлари очиб берилган, глобаллашув шароитида аҳоли даромадларини ошириб боришнинг объектив зарурлиги асослаб берилган.

Иккинчи бобда Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, минтақа мамлакатларида аҳоли даромадлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, аҳоли даромадларини оширишнинг устувор йўналишлари асослаб берилган.

Учинчи бобда Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли даромадларини ошириш имкониятларига баҳо берилган, Ўзбекистонда аҳоли даромадларини ошириш ва унинг таркибини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқувчи асосий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

1-БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Аҳоли даромадларининг моҳияти ва турлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг ижобий суръатларига эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Маълумки, давлат инсоннинг муносиб турмуши ва ривожланишини таъминловчи шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий сиёсатни олиб боради. Меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг иш билан бандлигини таъминлаш асосида аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Тобора чуқурлашаётган ислохотлар давомида масалага шу нуқтаи назардан ёндашилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “2011-йилда республикамызда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Сир эмаски, биз мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқдамиз.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг

даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир”⁴.

Жамият аъзоларининг даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, инсонларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши каби Ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий турмуш имкониятлари унинг даромадлари даражасига боғлиқ бўлади. Инсон даромадининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот олиш, бўш вақтини маданий тарзда ўтказиш имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Даромадлар эҳтиёжларни бевосита қондириш манбаи сифатида аҳоли ҳаётида катта рол ўйнайди. Бюджетнинг даромад қисми асосан жисмоний ва юридик шахслардан олинadиган солиқлардан ташкил топади ва улар ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфланади, шу тариқа аҳоли эҳтиёжлари билвосита қондирилади.

Иқтисодий адабиётларда «даромад» тушунчаси ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг маҳсулотни ишлаб чиқариш сарф-харажатларидан ошиши деб, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида

⁴Каримов И.А. 2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарadиган йил бўлади. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва унинг томонидан ўзлаштирилган улуши деб тушунилади.

Даромадлар ҳаракати бозор иқтисодиётининг ишлаб туришини таъминлайди. Айланиш жараёнида даромадлар изчил равишда қуйидаги бир неча босқич - юзага келиш, тақсимланиш ва қайта тақсимланиш, пировард истеъмолга ишлатилиш, жамғарилиш босқичларидан ўтади. Даромадлар юзага келиши уларнинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнидаги ҳаракатининг бошланғич босқичи бўлади. Бу босқичда даромадлар бирламчи даромадлар сифатида шаклланади.

Тақсимланиш жараёнида тадбиркорлар бирламчи даромадлардан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш юзасидан солиқлар тўлайдилар, меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари юзасидан ҳақ тўлайдилар. Натижада дастлабки даромадлар иш ҳақи, фоизлар, рента, корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдасига айланади.

Даромадларнинг қайта тақсимланиши жараёни кейинги босқич бўлади, у солиқлар тўлаш, ижтимоий жамғармаларга маблағлар ўтказиш, корхоналар ва аҳолига турли трансфертлар тарзида даромадлар бир қисмини йўллашни ўз ичига олади (трансфертлар – бир катнашчи бошқасига бир томонлама тартибда топширадиган иқтисодий бойликлардир; операциянинг бошқа катнашчисидан эса ўринга ўрин иқтисодий қимматга эга бўлиши мумкин бўлган ҳеч бир нарса келиб тушмайди).

Яратилган даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижалари бўйича тасарруфдаги даромадлар (пировард даромадлар) шаклланади.

Даромадларнинг пировард истеъмоли ва ялпи жамғарилиши улар айланишининг тугалловчи босқичи бўлади. Даромадлар даражасини таҳлил этиш, ўлчаш ва тахмин қилиш учун даромадларнинг ҳар-хил турлари ва кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Даромадлар пул ва натурал шаклида бўлиши мумкин.

Аҳолининг пул даромадлари меҳнаткашлар учун иш ҳақи ҳисобидаги барча пул маблағлари тушуми; пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар; мулкдан фоиз, дивидендлар, рента кўринишидаги даромадлар; аксиялар, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, чорва ҳайвонлари, томорқа хўжалиги маҳсулотлари, турли буюмлар ва бошқа товарларни сотишдан тушадиган пул тушумлари, турли хизматлар кўрсатиш учун ҳақлар ва ҳоказолардан ташкил топади.

Аҳолининг натурал даромадлари - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча тушумлари: деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, боғ-кўрғон, сабзавот-полиз экинлари участкаси, шахсий томорқа, табиат инъомларидан шахсий, оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган маҳсулотлар каби тушумлардан иборат.

Пул ва натурал даромадларнинг нисбати тез-тез ўзгариб туради, аммо пул шакли кўпроқ тарқалган. Одатда, аҳолининг камбағал қатламларида натурал даромадлар ҳиссаси юқори бўлади. Иқтисодий вазият ёмонлашган даврда натурал даромадлар салмоғи ошиб кетади, жамоа хўжаликлари деҳқонларида натурал даромадлар ҳиссаси саноат ишчилари натурал даромадлари ҳиссасига нисбатан доимо юқори бўлади, буни бюджет тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Мулкдан олинадиган даромадлар хўжалик юритувчи субъектларга молиявий ва номолиявий ресурсларни фойдаланишга бериб қўйишдан олинадиган даромадлардир.

Фоизлар - қўйилмалар ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлар олиш шаклидир. Дивидендлар мулкдан олинадиган даромаднинг шундай шаклики, акциядорлар маблағларни корпорациялар тасарруфига топширганликлари натижасида (аксиялар сотиб олиш орқали) уни олишга ҳақли бўладилар.

Аҳоли даромадлари номинал ва реал кўринишда бўлади. Номинал даромадлар - пул кўринишида олинган даромадлардир. Реал даромадлар

истеъмол нархларининг индексига қараб тузатилган жорий даврдаги номинал пулли даромадлардир.

Номинал ва реал даромадлар кўрсаткичи билан бир қаторда аҳоли пулли даромадларининг харид қобилияти кўрсаткичи ҳам алоҳида олиб қаралади. Бу кўрсаткич аҳолининг товарлар ва хизматлар сотиб олиш бўйича потенциал имкониятларини акс эттиради ва аҳолининг ўрта ҳисобда жон бошига тўғри келадиган пулли даромадларининг товар эквиваленти орқали ифодаланади. Жон бошига тўғри келадиган пулли даромадлар пулли даромадларнинг жами миқдорини мавжуд аҳоли сонига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқилади.

Ҳисоблаб чиқилган ёки олинган даромадлардан фуқаролар турли солиқ тўловлари ва бадаллар тўлашларига тўғри келади. Шу сабабли фуқаронинг ҳақиқий тасарруфида бўлган даромадларни тавсифлайдиган кўрсаткичга таъриф бериш муҳим. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси мажбурий тўловлар ва бадаллар чегирилганидан қоладиган жорий давр пул даромадларини тасарруфдаги пул даромадлари деб таърифлайди.

Шахсий томорқа хўжаликларидан (пулли ва табиий шаклларда) олинадиган даромадлар даромадни шакллантиришда муҳим рол уйнайди, уларнинг ҳажми Миллий ҳисоб варақалар тизимида умумқабул қилинган қуйидаги принцип бўйича ҳисоблаб чиқилади: маҳсулот чиқариш қийматидан уни ишлаб чиқаришга ишлатилган маҳсулот ва хизматлар қиймати айирилади.

Уй-жой ва коммунал хўжалик, йўловчи транспорти, йўл хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари тармоқларининг катта қисми давлат, республика, маҳаллий ва шаҳар бюджетларига ҳамда тегишли маҳаллий маъмурларнинг иш сифатига боғлиқ бўлади. Шу сабабли мазкур қисмнинг каттагина ҳажми табиий шаклдаги ижтимоий трансферт

ҳисобланади ва уни аҳолининг ялпи даромадлари жумласига киритиш тўғри бўлади.

Даромад олиш учун меҳнат ва капитал бозорида қанча ҳажмда хизмат таклиф этиш тўғрисида қарор, одатда, оила даражасида қабул қилинади. Шу боис бозор иқтисодиётида даромад шаклланиши умуман аҳолига татбиқангина эмас, балки уй хўжалиги даражасида ҳам олиб қаралади. Уй хўжаликларининг ялпи даромади бирламчи ва иккиламчи даромадлардан шаклланади (1-расм).



1-расм. Уй хўжаликларининг ялпи даромади таркиби
Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Уй хўжалиги - битта хонадонда яшайдиган, ўзининг барча даромадлари ва моддий бойликларини (ёки уларнинг бир қисмини) бирлаштирган ва товарлар ҳамда хизматлар истеъмолига, асосан турар жой ва озиқ-овқат маҳсулотларига сарф-харажатларни биргаликда амалга оширадиган шахслар гуруҳи (ёки бир шахс)дир.

Аралаш даромад даромадларнинг мустақил кўрсаткичи бўлади, унда меҳнатга ҳақ тўлаш ва фойда олиш элементлари мужассамлашади. Аралаш даромадлар хусусий тадбиркорлик фаолиятидан (ёлланма меҳнат қўлланилмаган ҳолда), шахсий томорқа хўжалигидан олинadиган даромадлар, эркин касбдаги шахсларнинг даромадлари, муаллифлик гонорарлари ва шу кабиларни ўз ичига олади. Аралаш даромад юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорларнинг ҳом-ашё маҳсулотларини сотиб олишга, асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатишга, транспорт воситаларига, коммунал хизматларга тўловлар ва шунга ўхшашларга қилинган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда ялпи маҳсулотнинг қийматидан таркиб топади.

Шунингдек, аралаш даромадга айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан олинган даромадлар, ҳамда харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда уй хўжалиги томонидан шахсий истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товарларнинг баҳоланган қиймати киради.

Давлатнинг ижтимоий сиёсатида фуқароларнинг жамғармаларига бўлган муносабат аҳамиятлидир. Айниқса, бу бозор иқтисодиёти шаклланиши даврига таалуқли. Умуман, нормал иқтисодиётда фаравонлик ўсиб жамғарманинг ҳам имкониятини оширади. Жамғармаларни инфляциядан сақлаш, қадрини пасайтирмай, айниқса инвестицияда фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, умумий иқтисодий ривожланишни тезлаштиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиётида қатнашувчилар фаолияти маълум даражадаги даромад олиш, фойда олиш билан яқунланади. Албатта, бу сармоя ҳажми, фаолият самарасига боғлиқдир. Даромад олиш бозор муносабатлари таъсирига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиши мумкин. Хўжаликлар фаолиятида банд бўлганларнинг даромади, тижорат, талаб ва таклиф мувозанати, рақобатнинг таъсири

кабиларга ёки умумий айтганда. Корхона фаолияти натижаси ва тадбиркорларнинг фойда даражасига боғлиқ. Чунки асосий ишловчиларнинг даромад даражаси корхона даромадига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий трансфертларга қуйидагилар киради:

пенсиялар – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари;

нафақалар – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари;

стипендия – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

Ёлланма ишчиларнинг даромади – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс этирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ва тузилган меҳнат шартномаси ёки хусусиятига кўра иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳисобланган фуқаролик-ҳуқуқий асослардаги шартномалар бўйича иш бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланган жами иш ҳақи киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга ходимларга ҳисобланган иш ҳақи, раҳбатлантириш хусусиятига эга бўлган барча тўловлар, компенсация тўловлари ва ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш киради. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга оммавий ахборот воситалари ходимларига тўловлар (мақола, радио (теле) дастурлар ва шунга ўхшашлар учун муаллифлик ҳақлари), рационализаторлик таклифлари учун ва муаллифлик ҳуқуқига эга бўлмаган шунга ўхшаш мукофотлар киради.

Фоишлар – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонотлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлар.

Дивидендлар – сармоядор (жисмоний шахс) нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

Муаллифлик ҳақи – яратилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

Рента – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлар.

Шунингдек, мол-мулкдан олинган даромадларга юридик шахснинг тадбиркор (хусусий корхонанинг мулкӣ эгаси ёки фермер хўжалигининг раҳбари) ихтиёрига (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг) ўтказилган фойдаси ҳам киради.

Лекин бошқа хил даромад манбаи ҳам бўлиб, у деярли доимий хусусиятли ва унинг даражаси давлат бюджети имкониятидан келиб чиқади. Булар давлат томонидан маош сифатида даромад оладиганлар бўлиб, давлат хизматчилари, маорифчилар, ўқитувчи ва илмий хизматчилар, талабалар, соғлиқни сақлаш ходимлари, маданий окортув тармоқлари, маъмурий идоралар хизматчилари, харбий ва ички ишлар, тартибни сақлаш муассасалари ходимлари кабилардир. Булардаги даромадларнинг умумийлиги шуки, унинг миқдорини бевосита давлат белгилайди ва бу миқдор нисбатан доимийдир.

Биринчи тоифадагиларнинг маоши туфайли ўзгариб турса ва аввало тадбиркор иш берувчига боғлиқ бўлса, иккинчи тоифадагиники бюджет имкониятларига боғлиқдир. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳимоянинг нима алоқаси бор деган, савол туғилиши мумкин. Давлат ихтиёридагиларнинг даромадини юзага келтиришда ижтимоий ҳимоя зарурлиги тўғрисида бундай савол туғилмаса ҳам, ҳўжаликлардаги айниқса хусусий тармоқдагиларнинг даромади тўғрисида шундай туғилиши мумкин.

Даромадлардаги тафовутлар бевосита бозор муносабатлари таъсир этувчи соҳада банд бўлганларга таалуклидир. Шунинг учун ҳам ёлланиш, меҳнат қилиш, шунингдек, даромад пайдо бўлиши аниқ асослари давлат томонидан яратиладиган қонунлар туфайли белгиланади. Айтайлик қайси соҳа, тармоқ бўлмасин, буларнинг умумийлиги мавжуддир. Бунинг ижросини давлат ўз назорати остига олади. Чунки булар умуминсоний манфаатдан, инсон ҳуқуқларидан келиб чиқади.

1.2. Аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш

Даромадларни давлат томонидан тартибга солиш ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан даромадларни барқарорлаштириш ва жамият тараққиётида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқ тарзда ошириб бориш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда меъёрларни ўзида мужассамлаштиради. У ишчи кучини мўътадил такрор ишлаб чиқариш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилади.

Бозор механизми иқтисодиётни тўла тартибга сола олмаслиги сабабли иқтисодиётга давлат аралашуви ва тартибга солиш зарурияти келиб чиқади. Давлат ўзининг иқтисодий сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солишга аралашади. У микроиқтисодий фаолиятини рағбатлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва ўсишини таъминлаш, умумиқтисодий мувозанатга эришиб, миллий иқтисодиёт келажаги учун йўл очиш, даромадларни қайта тақсимлаш воситасида ижтимоий мувозанатга эришиш кабиларни мўлжаллайди. Давлат ўз маблағи билан малакали иш кучини тайёрлашда қатнашади. Давлат ҳисобидан ҳамма учун бепул умумий таълим берилади, маълум тоифа бепул олий таълим олади, бепул тиббий хизматлардан фойдаланилади, имтиёзли уй-жойга эга бўлади. Давлат ҳисобидан аҳолини янги касбларга ўргатиш жорий этилади. Иккинчи томондан, давлат ўз бюджети доирасида шахсий даромадларни қайта тақсимлаб, бой тоифа ҳисобидан камбағалларни таъминлаб туради. Давлат ишсизликни қисқартириш чораларини кўради. Нафақага чиқиш ёшини қисқартириш йўли билан иш жойлари бўшатилиб, уларга ишсизлар қабул қилинади. Давлат ҳисобидан ишсизларга нафақа берилади, моддий муҳтожликда яшовчиларга ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос хусусиятлар Президентимиз И.А. Каримов олға сурган беш тамойилдан бири - аҳолининг кенг қатламларини, энг аввал унинг ночор гуруҳларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш чора-тадбирларини кўришдир. Давлат ижтимоий муҳофаза имкониятларини ҳисобга олиб, аҳолини давлат бюджети ҳисобидан муҳофазалаш чораларини белгилайди. Бундай имтиёзлар аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизларга нафақа бериш, қарилик нафақаси, стипендияларни ошириш, аҳолининг айрим қисмига, масалан, ногиронларга бепул дорилар бериш, транспортдан фойдаланишда, дам олиш, даволаниш, солиқлар ва тўловларда имтиёзлар бериш кабилар киради. Лекин ҳозир ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида солиққа тортиш тизимини ўзгартириш ва қашшоқларга турли ёрдамлар кўрсатиш орқали даромадларни қайта тақсимлаш усули кам самара беради.

Кўпгина ривожланган давлатларда бу йўлдан воз кечилган. Қашшоқларга пул кўринишида ёрдам кўрсатиш иш ҳақининг рағбатлантириш функциясини сусайтиради, боқимандалик кайфиятини ривожлантиришга, бандлик структурасида салбий ўзгаришларга, ўз моддий аҳолини яхшилашга интилмайдиган кишиларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун фаол ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаси қийин аҳволга тушиб қолганларга бевосита ёрдам кўрсатиш эмас, балки шундай ҳолатга тушиб қолиш хавфини қисқартириш, аҳолининг бозор муносабатларига ижтимоий адаптацияси, ижтимоий барқарорлик, ижтимоий хизматлар ҳажмини кўпайтириш, ҳудудий ижтимоий дастурлар ишлаб чиқишдан иборат. Ҳаддан ташқари ижтимоий ёрдам меҳнатга бўлган рағбатни сусайтириши мумкин. Ўтган иқтисодий ислохотлар даврида ижтимоий сиёсат қоидалари қуйидаги асосий йўналишларда рўёбга чиқарилди: аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозорини шакллантириш борасида ишга киришни истаганлар учун тегишли шарт –

шароитлар яратилди. Барча туманларда ишга жойлаштириш органлари бўлган меҳнат биржалари тузилди. Иш билан бандлик жамғармаининг маблағлари ҳисобига ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тармоғи ташкил этилиб, молияланди, янги иш ўринлари вужудга келтирилди. Турли кўринишдаги тадбиркорлик, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан бемалол шуғулланиш имконияти берилган ва давлат секторининг анча кенгайтирилганлиги туфайли жами ишловчи аҳолининг ярмидан кўпроғи шу соҳада иш билан банд бўлиши таъминланди.

Аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақаларига вақтида мадад бериш, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ислохатларни муваффақиятли ўтказиш учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бозор муносабатларини жорий этишдан аввал одамларни олдиндан кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш муҳим масала ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда даромадларни давлат томонидан тартибга солиш такрор ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмидир. У кўп вазифаларни ечади, масалан, иқтисодий ўсишни, тармоқ ва регионал структуралардаги прогрессив силжишларни рағбатлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш, иш билан бандлик, солиққа тортиш, нархларни тартибга солиш ва ҳоказо. Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг аниқ йўналишлари, шакллари, кўлами айрим мамлакатлар ва муайян даврда ижтимоий-иқтисодий муаммолар характери ва жиддийлиги билан белгиланади.

Давлат даромадлар сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- фуқаролар иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа пул даромадларининг ўсиши учун энг қулай иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни таъминлаш;

- аҳоли турмуш даражасини барқарорлаштириш, унинг муттасил ошиб бориши учун мустаҳкам асос барпо этиш.

Турли сабабларга кўра, Франция, Германия, Нидерландия, Скандинавия давлатлари, Япония ҳамда Осиё ва Лотин Америкасининг ривожланаётган бир қатор давлатларида даромадларни давлат томонидан тартибга солиш механизми кенгроқ ривож топган. Иккинчи жаҳон уруши, социализм лагери оқибатларини бошдан кечирмаган АҚШ, Канада, Австралия каби давлатларда у заифроқ ривожланган, аммо бу давлатларда ҳам даромадларни давлат томонидан тартибга солиш муҳим ўрин тутди, айниқса, конъюнктуранинг бузилиши, инфляция ва ишсизликнинг ўсиши шароитида унга эҳтиёж ортади.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг механизмини англаш учун унинг субъектлари, объектлари, мақсади, инструментларини кўриб чиқиш лозим. Хўжалик манфаатларининг соҳиблари, ифодаловчилари иқтисодий сиёсатнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Хўжалик манфаатлари соҳиблари – бу бир-биридан мулкӣ мавқеси, касби, тармоқ ва регионал манфаатлари каби белгилари билан фарқланувчи ижтимоӣ гуруҳлардир. Бу гуруҳларга корхоналарнинг ёлланма ишчилари ва эгалари, фермерлар ва ер эгалари, деҳқонлар, майда ва йирик тадбиркорлар, ҳиссадорлар, давлат хизматчилари ва эркин касб эгалари кирадилар.

Даромадларни шакллантиришнинг ўз-ўзидан ҳал бўлмайдиган муаммолари ва қийинчиликлари мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган соҳалари, ҳолатлари, шароитлари, манбалари даромадларни давлат томонидан тартибга солиш объектларидир. Мазкур муаммоларни ҳал этиш ва олдини олиш орқали иқтисодиётни бир маромда ривожлантириш, ишчи кучини такрор барпо ишлаб чиқариш, жамиятдаги барқарорликни таъминлаш мумкин.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат: даромадлар, иш ҳақи минимуми, бандлик, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, солиқлар, нархлар, ижтимоий кафролатлар, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий таъминот, ҳуқуқий таъминот.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солиш – бу турли даражалар: давлат-тармоқ регионлар-корхоналарнинг ўзаро алоқасини кўзда тутувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Бу барча даражалар ўзаро боғлиқ, ўзаро қарам, аммо ҳар бири ўз хусусиятига ва иерархияда ўз ўрнига эга. Давлат етакчи тармоқдир, у тартибга солишнинг йўналишлари ва тактикасини, услублари ва механизмини, устувор жиҳатлари ва ш у кабиларни ишлаб чиқади. Иқтисодиётнинг ижтимоий ориентацияси хўжаликни шахсни камол топтириш вазифасига онгли равишда бўйсундиради. Даромадлар сиёсатида иқтисодиётни самарадорлиги ва ижтимоий адолат ўртасидаги мувозанат амалга оширилади. Бу сиёсат, бир томондан, ҳаддан ташқари самарадорликка интилишни адолатли чеклаш ҳисобига юмшатади, бошқа томондан – адолатга риоя қилган ҳолда самарадорликни оширади.

Ҳар бир жамиятда даромадлар сиёсати конституция ва унга тенглаштирилган қонуний ҳужжатларда белгиланган маълум тамойиллар асосида юритилади. Бу тамойиллар қуйидагилар:

- ижтимоий адолат;
- ижтимоий ҳамкорлик ва аҳолининг барча қатламларининг бардамлиги;
- ўз моддий аҳволи учун шахсий маъсулият;
- меҳнат ҳуқуқи;
- касаба уюшмалари ҳуқуқлари;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва шу кабилар.

Амалда бу тамойиллар маълум усуллар, воситалар ёрдамида амалга оширилади, маблағлар чекланган шароитларда ўта муҳим мақсадлар танлаб олинади, аммо улар қисман бажарилади.

Маълумки, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг энг юқори шакли иқтисодий дастурлашдир. Унинг вазифаси иқтисодий сиёсатнинг барча элементларидан глобал мақсадларда ҳар тамонлама фойдаланишдир. Бундай дастурларнинг объектлари тармоқлар ва регионлар; ижтимоий соҳа, илмий тадқиқотларнинг турли йўналишлари ва шу кабилар бўлиши мумкин. Мазкур дастурларнинг барчаси аҳоли даромадларига боғлиқ ва уларга таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиётида дастурлаш фақат мақсадли тавсия-рахбатлантириш характерга эга. Аммо у барча маблағлардан фойдаланишга имкон яратади, айрим давлат муассасаларининг тартибга солиш бўйича тадбирлардаг номуносивиликдан сақлайди. Давлатнинг молиявий кўмаги, буюртмалари айрим фирмаларнинг рақобатбардошлигига, тармоқ, регион, ижтимоий гуруҳлар аҳолига турли даражада таъсир кўрсатади ва манфаатларига зарар етган ижтимоий гуруҳларнинг қаршилигига учрайди.

Даромадлар сиёсатининг асосий мақсади инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, кишиларга ўз салоҳиятларини намоён қилиш ва ўз меҳнати эвазига муносиб турмуш даражасини барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ижтимоий тотувликни таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда аҳоли даромадларини муттасил ошириш, унинг таркибини мақсадга мувофиқ такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга, чунки даромадлар миқдори қанчалик кўп бўлса, зарурий эҳтиёжларни қондириш, саломатликни сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумотлар олиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш имкониятлари шунчалик юқори бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда давлатнинг даромад сиёсати мамлакатнинг умумиқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли даромадларини кўпайтириш, инфляция даражасини пасайтириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликнинг барча турларини, айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорликни устун даражада ривожлантириш, аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, шаҳар ва қишлоқ, эркаклар ва аёллар, шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва минтақалар ўртасидаги тафовутнинг ошиб кетишига йўл қўймасликка қаратилмоқда.

2-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати

Марказий Осиё минтақаси 5 та республика-давлатдан иборат бўлиб, у ҳудуди нуқтаи назардан Осиёда иккинчи ўринда туради. Кўп йиллик тарихий ривожланиш давомида Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари шаклланди. Мамлакатлар иқтисодиёти асосий ва етакчи тармоқларининг ўхшашлиги, сув ва энергетика манбаларининг ягоналиги ва улардан биргаликда фойдаланиш зарурияти, ягона транспорт ва коммуникация тизимининг мавжудлиги, экологик муаммоларнинг бир хиллиги минтақа республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг доимий бўлишини таъминлайди.

Минтақа халқларининг диний, маданий, тил, урф-одат, анъана, ва маънавий бирлиги эса ҳамкорлик алоқаларининг янада чуқурроқ ва ҳар томонлама бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб мустақалликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётга бозор муносабатларини жорий қилиш ва жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрнини эгаллаш ғоялари мамлакатлар иқтисодий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини бирлаштиришни тақозо қилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари бозор стратегиялари хусусиятларини ёритиб беришда уларни иқтисодий жиҳатдан тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

2012 йил 1 январь ҳолатига кўра Марказий Осиё “бешлиги”нинг умумий аҳолиси 65,5 млн. кишига яқин бўлиб, энг кўп аҳолига эга бўлган Ўзбекистонда 29211 минг киши истиқомат қилган. Ундан кейинги ўринни

Қозоғистон Республикаси эгаллайди ва унинг аҳолиси 16101 минг кишини ташкил этади. Қолган учта республиканинг аҳолиси бу икки республикага нисбатан анча кам бўлиб 5-7 млн кишига тенг⁵.

2.1-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларининг асосий иқтисодий тавсифи (2011 йил)

	Аҳолиси, млн киши (2012 йил 1 январь)	Ялпи ички маҳсулот, млрд. долл.	Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, минг долл.	Экспорт, млрд. долл.
Марказий Осиё	65587	193	2942,6	127,3
Қозоғистон	16101	128,3	7949,8	88,1
Қирғизистон	5424	5,7	1050,9	2,3
Тожикистон	7511	5,7	758,9	1,2
Туркменистон	7340	17,2	2343	-
Ўзбекистон	29211	36,1	1235,8	15,0

Манба: Социально-экономическое положение стран СНГ. //Статкомитет СНГ, М.: 2010, №2. маълумотлари асосида тузилган

Минтақа мамлакатларининг жами ялпи ички маҳсулоти 193 млрд долларни, жами экспорт ҳажми 127,3 млрд долларни ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткич Қозоғистонда кузатилади. Минтақада ишлаб чиқариладиган жами ялпи ички маҳсулотнинг 64,8 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади. Иккинчи ўринда Ўзбекистон бўлиб, минтақа мамлакатлари жами ялпи ички маҳсулотининг қарийб 20 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилади.

Агар бу кўрсаткични аҳоли жон бошига тўғри келишини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич бўйича ҳам Қозоғистон Республикаси минтақада яққол пешқадам ҳисобланади. Бу ерда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 7949,8 долларни ташкил этади. Кейинги ўринларни Туркменистон (2343 доллар) ва Ўзбекистон (1235 доллар) эгаллайди.

⁵ Социально-экономическое положение стран СНГ. /Статкомитет СНГ, М.: 2010, №2. – стр. 85.

Экспорт ҳажми бўйича минтақа мамлакатларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, экспортнинг энг катта ҳажми Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади. 2011 йилда Қозоғистон 88,1 млрд долларлик товар ва хизматлар экспорт қилган. Кейинги ўриндаги Ўзбекистон 15 млрд. доллар миқдорида товар ва хизматларни экспорт қилган. Минтақа мамлакатлари томонидан амалга оширилган экспортнинг 82,6 фоизи ушбу икки мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, минтақа мамлакатлари бозор муносабатларига ўтишда турли стратегия асосида ҳаракат қилдилар. Минтақадаги мамлакатларнинг бозор стратегияларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: Биринчи гуруҳга бозор муноабатларига ўтишда радикал йўлдан борган мамлакатлар – Қозоғистон ва Қирғизистонни киритиш мумкин. Бу мамлакатлар бозор стратегияларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бу ерда нархларнинг эркинлаштирилиши юқори суръатларда кечди, мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришда либерал ёндошув танланди. Чунончи, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Қозоғистон асосий ва валюта ишлаш имкониятини берадиган корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш йўлидан борди. Бозор ўзгаришларини амалга ошириш учун меъёрий ҳуқуқий асос барпо этилди. Аммо қазиб олиш саноатини жадал хусусийлаштириш, демонополлаштириш, банк тизимини ислоҳ қилиш дастлабки йилларда кутилган натижани бермади.

Қирғизистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки босқичида бозор инфратузилмасини барпо этиш ва ривожлантириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш асосида мулкчилик шакллариини жадал ўзгаришини таъминлашга қаратилган стратегияни танлади. Кичик тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, давлат буюртмаси бекор

қилинди. Мамлакат собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб ўз валютасини муомалага чиқарди (1993 йил май). Аграр ислохотлар амалга оширилди ва ерлар деҳқонларга бўлиб берилди. Аммо ҳаддан ташқари либерал сиёсатнинг танланиши мамлакат иқтисодиётини иқтисодий инқирозларга таъсирчан қилиб қўйди.

Иккинчи гуруҳ бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-босқич йўлини танлади. Бу гуруҳга Ўзбекистон ва Туркменистонни киритиш мумкин. Бу мамлакатларга хос бўлган бозор стратегияларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу мамлакатларда амалга оширилган иқтисодий ислохотларда давлатнинг роли сезиларли даражада бўлди. Бозор стратегиясининг “ўзбек модели” тўғрисида юқоридаги бобда батафсил тўхтаб ўтилганлиги туфайли унга яна тўхталиш мақсадга мувофиқ эмас.

Учинчи гуруҳга Тожикистон киради. Бу республика мустақилликнинг дастлабки йилларида сиёсий низо ва фуқаролик уруши туфайли аниқ бозор стратегиясини танлай олмади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё мамлакатлари бозор стратегияларини танлашда минтақа мамлакатларининг табиий-иқтисодий ресурслари алоҳида аҳамият касб этди.

Маълумки, Марказий Осиё республикалари табиий ресурсларининг бой захираларига эга. Табиий хом ашёлар орасида энергетик ресурслар алоҳида ўрин тутди. Энергетик хом ашёларнинг мўл-кўллиги нафақат минтақа энергетика мустақиллигини таъминлашга, балки уни четга экспорт қилишга ҳам имконият беради.

Марказий Осиё, айниқса, табиий газ, нефть ва кўмир захираларига бой. Ҳозирги кунда минтақа республикалари айнан ёқилғи-энергетика ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлашга устувор ўрин бермоқдалар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки уларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш республикалар иқтисодиётларини таркибий жиҳатдан қайта

қуриш, экспорт имкониятларини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. “Иқтисодиёт (Марказий Осиё иқтисодиёти) самарали амал қилишининг энг муҳим шартларидан бири миллий хўжаликлар звенолари, энг аввало қазиб олувчи ва қайта ишловчи саноатлар ўртасидаги оптимал нисбат ва уларнинг вертикал ва горизонтал ривожланиш мутаносиблиги ҳисобланади”¹.

Минтақада Туркменистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон ёқилғи-энергетика ресурслари захираларига бой.

2.2-жадвалдан кўриниб турибдики, Марказий Осиё республикаларининг дунё нефть ва газ захираларида тутган ўрни анча сезиларли. Минтақа бўйича эса Туркменистон ёқилғи-энергетика комплексида алоҳида ўрин тутади. Бу ерда жами газ захираларининг 62 фоизи нефть захираларининг 31,5 фоизи жойлашган.

2.2-жадвал

Марказий Осиёнинг ресурс-энергетика салоҳияти

	Ўзбекистон	Қозоғистон	Туркменистон	Қирғизистон	Тожикистон	Марказий Осиё
Кўмир, млрд.т	2,0	34,0	м.й.	1,3	0,7	38,0
Нефть, млн. т.	88,0	2760,0	75,0	11,5	5,5	2940
Табиий газ, млрд м куб	2500	1840	2860	6	9	7215
Уран, т	85	600	-	-	-	685

Манба: Госкомстат СНГ, Survey of Energy Resource

Тожикистон ва Қирғизистонда ҳам нефть ва газ захиралари мавжуд бўлиб, улар ҳажми бўйича унчалик катта эмас.

Кўмирнинг асосий захиралари Қозоғистон Республикаси ҳисобига тўғри келади. Умумминтақа кўмир захирасининг 93,9 фоизи шу республика ҳудудида жойлашган. Шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва

¹ А.Бедринцев, Ш.Мирзаджанов. “Центральная Азия: основные направления усиления интеграционных процессов” МЭИМО Москва, “Наука”, 1997 г. №12. стр. 132.

Тоҷикистонда ҳам кўмир захиралари мавжуд бўлиб, бу республикалардаги кўмир захираларининг қарийб ярми Ангрен кўмир конида жойлашган.

Минтақа иқтисодиёти гидроэнергетика ресурсларига бой эканлиги билан ажралиб туради. Унинг захираси бўйича (600 млрд.кВт соатга яқин) Марказий Осиё МДХ давлатлари орасида фақат Россиядан кейин, холос. Электр қуввати ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича Марказий Осиё республикалари жанубдаги қўшни мамлакатларга нисбатан анча юқори кўрсаткичга эга.

Ноэнергетик ресурслар орасида олтин, уран рудалари ва полиметаллар алоҳида ўрин тутади. Олтин захиралари бўйича Ўзбекистон етакчи ўринда бўлиб, бу ердаги олтиннинг жами захираси 40 дан ортиқ конларда 4 минг тоннага тенг. Республика олтин ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича дунёда 7-ўринни, олтин захиралари бўйича дунёда 4-ўринни, МДХда 2-ўринни, киши бошига ишлаб чиқариш бўйича дунёда 5-ўринни, МДХда 1-ўринни эгаллайди. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тоҷикистонда ҳам олтин конлари мавжуд. Минтақада бошқа қимматбаҳо металллар - платина (Қозоғистон ва Ўзбекистон) ва кумушнинг (Тоҷикистон ва Ўзбекистон) ҳам йирик захиралари бор.

Қозоғистонда дунёдаги барча уран захираларининг 10 фоизи жойлашган. Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича жаҳонда 7-8 ўринда туради. Тоҷикистондаги уран захиралари уларга нисбатан бирмунча камроқ. Минтақа мис, хром, кўрҳошин, рух, молибден, вольфрам, симоб, сурма каби қимматли ва нодир металллар захираси бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айниқса, Қозоғистон ва Ўзбекистон металл захираларига бой.

Кимё саноатини ривожлантириш учун лозим бўлган қазилма бойликлар хилма-хил. Фосфоритнинг асосий захираси Қозоғистон ҳудудида жойлашган. Юқоридагилардан ташқари, Марказий Осиёда олтингургурт,

минерал-ош, калийли, сульфатли тузлар бор. Челекен ярим оролида дунёдаги энг катта озокерит кони жойлашган. Минтақа республикаларининг хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларига бой эканлиги Марказий Осиёда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун катта имкониятлар беради.

Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишида табиий-иқлим шароитлари ўзига хос ўрин тутди. Минтақанинг табиий-иқлим шароитлари ўзига хос бўлиб, унинг энг асосий хусусияти бепоён дашт, ярим чўл ва чўлларнинг ҳамда кескин континентал, куруқ иқлимга эга тоғ районларининг мавжудлиги ва ўзига хос тарзда уйғунлашиб кетганлиги билан тавсифланади.

Марказий Осиёнинг сув ресурслари сезиларли бўлса-да, улар ҳудудий жиҳатдан жуда ҳам нотекис жойлашган. Асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Қозоғистондаги йирик дарёлар асосан республиканинг чекка қисмларидан ўтади: Шимолда - Иртиш, Жанубда - Или, Чу, Сирдарё, Ғарбда - Урал. Минтақада оқар сув йиғиладиган асосий район унинг тоғли қисми бўлиб, ёғин-сочин бу ерларда энг кўп ва сувнинг буғланиш даражаси энг кам бўлади. Марказий Осиёда мавжуд дарёларнинг суви асосан қор эришидан ҳосил бўлади. Иқлимнинг куруқлиги, минтақа катта қисмининг сув билан кам таъминланганлиги ишлаб чиқариш ва аҳоли жойлашувига сезиларли таъсир кўрсатади.

Минтақада иссиқ кунларнинг кўп бўлиши - 200-240 кун, қуёшли кунларнинг узок давом этиши - бир йилда 2500-3000 соат, вегетация даврида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши иссиқсевар, ноёб қишлоқ хўжалик экинлари - пахта, гуруч, субтропик ўсимликлар етиштиришга, бепоён ярим чўл ва чўл ҳудудларининг мавжудлиги чорвачиликнинг ривожланишига имкон беради.

Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигининг суғоришга асосланганлиги унинг ўзига хос хусусиятларидан яна биридир. Минтақанинг ушбу хусусияти

табiiй-иқлим шароитининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Марказий Осиё иқлимининг иссиқлиги, экинларнинг юқори ҳароратда узок вегетация даврига эга эканлиги, аммо тупроқда намликнинг етишмаслиги шароитида йирик экин майдонларида турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш фақат доимий суғориш шароитида мумкин бўлади, чунки агар экинларга намлик етарли бўлмаса, улар нобуд бўлади, доимий суғориш натижасида эса юқори ва барқарор ҳосил олинади. Мана шу сабабли суғориш деҳқончилик юритишнинг ягона усули ҳисобланади.

Ҳозирги кунда МДХда мавжуд барча суғориладиган ерларнинг 53 фоизи Марказий Осиё ҳиссасига тўғри келади. Суғориб фойдаланиш мумкин бўлган ерларнинг умумий заҳираси 58,1 млн. гектарни ташкил қилади, аммо уларнинг барчасидан фойдаланишга сув ресурсларининг танқислиги имкон бермайди.

Минтақадаги суғориладиган ерларнинг 42 фоизи - Ўзбекистон, 22 фоизи Қозоғистон, 14 фоизи Қирғизистон, 7 фоизи Тожикистон ва 15 фоизи Туркманистон ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг асосий қисми яйловлардан иборат. Бу эса минтақанинг ҳудудий ишлаб чиқариш таркибига таъсир кўрсатади, жумладан чорвачилик тармоғини ривожлантиришга имкон беради. Чорвачилик тармоғининг асосини эса қўйчилик ташкил қилади. Минтақада чорвачиликнинг ривожланиши гўшт, сут, қорақўл тери, жун етиштириш учун қулай шароит туғдиради. Бугунги кунда МДХ давлатларида етиштириладиган жуннинг 38-40 фоизи, пилланинг 70-75 фоизи, гўштнинг 11-13 фоизи, қорақўл терининг 90-95 фоизи Марказий Осиё республикалари ҳиссасига тўғри келади.

Марказий Осиё ер фондининг 10,9 фоизига ҳайдалиб экин экилади. Ҳайдаладиган ерлар ҳам иккига бўлинган бўлиб, улар суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлардан иборат. Суғориб экин экиладиган майдон жами ер

майдонининг қарийб 2 фоизини ташкил қилади, холос. Бундай ерларда асосан техника экинлари, хусусан, пахта, каноп ва донли экинлар етиштирилади. Суғорилмайдиган ерларнинг асосий қисми Қозоғистон ҳиссасига тўғри келиб, у ерда асосан донли экинлар, хусусан буғдой етиштирилади.

Қозоғистонда ҳар йили ўртача 20-25 млн. тонна буғдой ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу ерда ҳосилдорлик гектаридан 12-13 центнерни ташкил қилади. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистонда Қозоғистондан фарқли ўлароқ суғориладиган ерлардан ҳам донли экинлар етиштирилади, шу сабабли бу республикаларда ҳосилдорлик кўрсаткичи бир мунча юқори. Минтақада Амударё ва Сирдарёдан ташқари Мурғоб, Тажен, Чу дарёларидан ҳам суғоришда фойдаланилади, бироқ уларнинг суғоришдаги ҳиссаси жуда кичик.

Шундай қилиб, Марказий Осиё республикалари табиий-иқлим шароитларининг ўхшашлиги, ер ва сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш зарурияти, суғориш тизимининг ягоналиги минтақавий ҳамкорлик ривожланишида асосий ўрин тутувчи омиллардир.

Марказий Осиё республикалари иқтисодий ривожланишдаги умумий жиҳатларидан яна бири демографик вазият билан боғлиқ. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг юқори суръатлар билан ўсиши минтақанинг ўзига хос хусусиятидир.

2.2. Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли даромадлари динамикаси ва таркиби

Жамият аъзоларининг даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларда Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг даромадлари динамикаси ва таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берган. Бу энг аввало минтақа мамлакатлари иқтисодиётига бозор тамойилларининг жорий этилаётганлиги билан боғлиқ. Масалан: аввал аҳоли пул даромадлари таркибида дивиденд, фоиз, тадбиркорликдан ва чет эл валютасини сотишдан тушган даромадлар акс этмас эди.

Ҳозирги кунда бу даромадлар аҳоли даромадларида салмоқли ўринга эга. Аҳоли харажатларига эса банк билан ҳисоб-китоб қилиш учун пластик карточкаларни сотиб олиш, корхоналар акцияларини сотиб олиш, чет эл валюталарини сотиб олиш ва шу каби харажатлар қўшилган (2.3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда аҳоли даромадларининг катта қисмини тадбиркорлик даромадлари (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва мулкдан олинадиган даромадларни қўшган ҳолда) ташкил этади. Агар 2007 йилда жами аҳоли даромадларининг 52,1 фоизи тадбиркорлик даромадлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2008

йилда бу кўрсаткич 46,6 фоизни ташкил этди. Бу аҳолида бозор муносабатлари руҳияти шаклланаётганидан, мулкчилик муносабатлари ривожланаётганлигидан адлолат беради.

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари

	2007	2008	2009	2010	2011
Жами пул даромадлари	100	100	100	100	100
Иш ҳақи ва корхонадан олинadиган бошқа даромадлар	32,1	33,3	36,8	38,6	39,4
Ижтимоий трансфертлар (пенсиялар, нафакалар, стипендиялар ва ижтимоий характердаги бошқа тўловлар)	15,8	16,8	16,0	14,5	14,0
Тадбиркорлик даромадлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва мулкдан олинadиган даромадларни қўшган ҳолда	52,1	49,9	47,2	46,9	46,6
Пул сарфлари ва омонатлар	100	100	97,3	98,0	97
Истеъмол сарфлари	73,5	74,7	71,8	70,7	70,5
Мажбурий тўлов ва бадаллар	6,7	6,5	7,4	7,1	8,1
Омонатларнинг ўсиши, валюта сотиб олишни қўшган ҳолда ва бошқалар	18,0	17,1	18,1	20,2	18,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жами аҳоли даромадларида кейинги ўринни иш ҳақи эгаллайди. Иш ҳақининг жами аҳоли даромадларидаги улуши 2007 йилда 32,1 фоиздан 2011 йилда 39,4 фоизгача ўсди. Шу ўринда бир жиҳатга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Гарчи жами аҳоли даромадларида тадбиркорлик даромадлари улушининг юқори салмоққа эга эканлиги кўпчилик иқтисодчилар томонидан ижобий баҳоланаётган бўлса-да, унинг айрим салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Чунончи, даромадларнинг асосий қисмининг бошқа фаолият туридан олиниши кишиларни ўз касбларига бўлган эътиборининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бу эса касбий тайёргарлик нуктаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда аҳоли даромадларининг 80-90 фоизи иш ҳақи ҳисобидан шаклланади.

Жадвал маълумотларидан яна шуни кўришимиз мумкинки, бугунги кунда аҳоли пул харажатларининг асосий қисми истеъмол харажатларига тўғри келади. Агар 2007 йилда жами пул харажатларининг 73,5 фоизи истеъмол харажатлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 70,5 фоизга етди.

Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилади (2.4-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қозоғистонда жами пул даромадларининг 73,1 фоизи меҳнат даромадлари ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда ижтимоий трансфертлар Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан (Ўзбекистондан ташқари) сезиларли даражада юқори – 13,1 фоиз. Бу ҳолат давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини билдиради.

2.4-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли пул даромадларининг шаклланиши манбалари, 2010 йил (%)


	Меҳнат даромадлари	Шу жумладан:		Ижтимоий трансфертлар	Шу жумладан пенсиялар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан олинган даромад
		Иш ҳақи	Ёлланма меҳнат асосида ишлаётган кишилар даромадлари			
Қозоғистон	73,1	...	...	17,8	13,9	3,8
Қирғизистон	51,7	33,6	18,1	10,6	9,7	15,9
Тожикистон	57,2	25,8	31,4	3,8	3,4	13,1
Туркманистон	...	...	...	...	...	...

Манба: МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси маълумотлари

Айни вақтда Қозоғистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромад улуши бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлиб, бу ҳолат Қозоғистон Республикаси иқтисодиётининг таркиби билан боғлиқ. Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қозоғистон иқтисодиётида саноат ишлаб чиқаришининг улуши энг юқори

бўлиб, бу ҳолат республиканинг ёқилғи-энергетика, рангли ва қора металлургия учун хом ашёга бой эканлиги ва шу асосда фаолият юритадиган кўплаб саноат корхоналарининг мавжудлиги билан аниқланади. Бу ҳолат иш ҳақининг жами пул даромадлардаги улушининг юқорилигида (73,1 фоиз) ҳам ўз аксини топади.

Тожикистон ва Қирғизистон аҳолисининг даромадлари таркиби ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хусусан, ҳар иккала мамлакатда ҳам иш ҳақининг жами пул даромадлардаги улуши сезиларли даражада паст бўлиб, мувофиқ равишда 25,8 ва 33,6 фоизни ташкил этади. Айни вақтда бу икки мамлакатда ёлланма меҳнат асосида ишлаётганлар даромадлари сезиларли ўринга эга. Хусусан, 2010 йилда бу кўрсаткич мос равишда 31,4 ва 18,1 фоизга тенг бўлган.



2.1-расм. Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларида аҳолининг пул ўтказмалари динамикаси, млн.долл

Манба: Тожикистон ва Қирғизистон миллий банклари ва ХВФ маълумотлари

Бу ҳолат шу билан тушунтириладики, Тожикистон ва Қирғизистон меҳнат ресурсларининг катта қисми Россия, Қозоғистон каби мамлакатларда

ёлланма меҳнат асосида фаолият юритадилар. Улар томонидан ўтказиладиган пул ўтказмалари аҳоли пул даромадларининг сезиларли қисмини ташкил этади (2.1-расм).

Шунингдек, бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан олинган пул даромадлари ҳам катта улушга эга. Чунончи, 2010 йилда бу кўрсаткич Тожикистонда 13,1 фоизни, Қирғизистонда 15,9 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат ҳам ҳар иккала мамлакатнинг иқтисодиёти таркиби билан боғлиқ бўлиб, ҳар иккала мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий ўринни эгаллайди ва аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд.

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, Қирғизистон ва Тожикистонда хорижда меҳнат қилаётган аҳолининг пул ўтказмалари салмоқли даражада бўлиб, 2008 йилда Тожикистонда бу кўрсаткич 2669 млн долларни, Қирғизистонда 1462 млн долларни ташкил этган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2008 йил ноябрда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси пул даромадлари шаклланиши динамикаси ва таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бундай таъсирнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- жаҳон хом-ашё бозорларида конъюнктуранинг ёмонлашиши, талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши корхоналарнинг экспорт операцияларидан оладиган даромадларининг сезиларли камайишига олиб келмоқда. Бу эса корхоналарнинг экспортдан оладиган валюта тушуми ҳажмига, рентабеллик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ушбу корхоналарда, шунингдек, уларга туташ корхоналарда фаолият юритаётган аҳоли даромадларига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда;

- Марказий Осиё мамлакатларининг хорижда ишлаётган меҳнат ресурслари ушбу мамлакатларда юз бераётган иқтисодий инқироз натижасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзага келган

қийинчиликлар туфайли ўз мамлакатларига қайтишлари ва бунинг оқибатида ишсизлик муаммосининг кескинлашиши юз бермоқда;

- хориждан ўтказилаётган пул ўтказмаларининг қисқариши аҳоли даромадлари ва харид қобилиятининг пасайишига олиб келмоқда;

- молиявий-иқтисодий инқироз шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишда жиддий муаммолар ва қийинчиликлар юзага келмоқда;

- Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари томонидан ижтимоий соҳага сарфланадиган харажатлар ҳажми қисқармоқда ва ҳ.к.

2001 йилдан бошлаб 2008 йилнинг ноябрига қадар Марказий Осиё мамлакатларида ўртача иш ҳақи даражаси ҳам муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлди. Аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири натижасида сўнгги ойларда Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатларида ўртача ойлик иш ҳақининг пасайиши кузатилади. Хусусан, Марказий Осиё мамлакатларида миллий валюталар курсидан келиб чиққан ҳолда ўртача иш ҳақи миқдори 2008 йилда Қозоғистонда 505 долларни, Ўзбекистонда 210 долларни, Қирғизстонда 148 долларни Тожикистонда 69 долларни ташкил этди. Бироқ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатларида ўртача иш ҳақи даражаси яна ўсиш тенденциясига эга бўлди.

2.5-жадвал

Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ўртача иш ҳақи миқдори (доллар)

Мамлакатлар	2007 йил декабрь	2008 йил декабрь	2011 йил декабрь
Қозоғистон	554	597	630
Қирғизистон	162	185	210
Тожикистон	66	95	110
Туркменистон	...	...	...
Ўзбекистон	210	300	420 (217*)


Манба: МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси маълумотлари

*бозор курси бўйича ҳисоблаганда

2.5-жадвалда 2007-2010 йилнинг сўнгги ойларида Марказий Осиё мамлакатларида ўртача иш ҳақи динамикаси келтирилган бўлиб, унда минтақадаги барча мамлакатларда ўртача иш ҳақининг ўсиши кузатилади.

Марказий Осиё мамлакатларида ўртача иш ҳақи миқдори бўйича энг етакчи ўринни Қозоғистон эгаллайди. Бу ерда ўртача иш ҳақи 2011 йилнинг декабрь ойида 630 долларни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич эса Тожикистонга тегишли – 110 доллар. Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катта ва энг кичик кўрсаткичлар ўртасидаги нисбат 5,7 мартага тенг. Албатта, Марказий Осиё мамлакатлари ўртача иш ҳақлари ўртасидаги бундай тафовут минтқа мамлакатлари ўртасида интеграция алоқаларининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Агар иш ҳақини тармоқлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, 2010 йилда ҳам худди ўтган йиллардагидек, энг паст иш ҳақи қишлоқ хўжалигида қайд этилди. Соғлиқни сақлаш, таълим соҳасида иш ҳақининг бирмунча ўсиши кузатилади. Аммо шунга қарамасдан бу тармоқларда иш ҳақи саноат тармоқларига нисбатан 1,5-2 баробарга паст эканлигини қайд этиш лозим. Энг юқори иш ҳақи “Молиявий фаолият” соҳасига тегишли.



2.2-расм. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида 2010 йилда ўртача иш ҳақи даражасининг табақаланиши (%)

Масалан, Ўзбекистонда ўртача иш ҳақининг тармоқлар бўйича табақаланишини кўриб чиқадиган бўлсак, таълим, маданият, фан ва илмий хизматларда банд бўлганларнинг ўртача иш ҳақи республика ўртача ойлик иш ҳақининг 79 фоизини ташкил этса, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият, спорт ва ижтимоий таъминотда бу кўрсаткич 78 фоизга, ўрмон хўжалигида 62 фоизга, маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турларида 46 фоизга тенг, холос (2.2-расм).

Шу муносабат билан мазкур тармоқларда иш ҳақи даражасини ошириш, соҳада чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Энг юқори ўртача иш ҳақига эга тармоқлар қурилиш (ўртача республика даражасининг 171 фоизи), саноат (162 фоиз), транспорт ва алоқа (123 фоиз) ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Марказий Осиё мамлакатларида иш ҳақини тартибга солиш механизми сифатида меҳнат ҳақининг энг паст даражасини ўрнатиш давом этмоқда.

2012 йил бошида минимал иш ҳақи даражаси Марказий Осиё мамлакатларида 17 доллардан (Тожикистон) 116,5 долларгача (Қозоғистон)ни ташкил этди. (таққослаш учун: Бельгия, Буюк Британия, Францияда бу кўрсаткич – 1797–1925 долларни, Испания ва АҚШда – 1029 ва 1023 долларни, Польшда – 460 долларни, Болгарияда – 165 долларни ташкил этади).

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Марказий Осиё мамлакатларида иш ҳақини тўлаш бўйича қарзлар сақланиб қолмоқда. Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатларида иш ҳақи бўйича қарзлар сезиларли даражада қисқарди ва 2011 йилнинг декабрь ойларида ўзининг энг минимум даражасига тушди.


2011 йилнинг декабрь ойида пенсияларнинг минимал миқдори миллий валюталар курсларидан келиб чиққан ҳолда Қозоғистонда 146 долларни (2007 йилда 85 доллар бўлган), Тожикистонда 30 долларни (6 доллар), Қирғизистонда 32 долларни (11 доллар) ташкил этди.

Юқоридаги қисқача таҳлил натижаларини умумлаштириш натижасида шундай хулоса чиқариш мумкинки, гарчи сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий соҳа ривожланишида сезиларли ижобий силжишлар кузатилган бўлса-да, аҳоли даромадлари паст даражада сақланиб қолмоқда. Шу сабабли аҳоли даромадларини ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг аниқ механизмининг амалиётга жорий этиш лозим.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ИМКОНияТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминлади.



**3.1-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, ХҚП бўйича
АҚШ доллари ҳисобида (йил бошига нисбатан).**


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган

энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда (3.1-расм).

Расмдан кўриниб турганидек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2017 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январь ойида 1162,6 долларга етди.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2011 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади.



3.2-расм. Аҳоли пул даромадлари дифференцияси даражаси.


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча катламларининг ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди.

Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффиценти 1991-2011 йилларда 0,40 дан 0,29 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади (3.2-расм).

Аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим таркибий қисми хизмат кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган талабнинг таъминланиши билан боғлиқдир. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси даврида – 2007-2011 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми 1,8 баробар кўпайди. Шу билан бирга, бу даврда хизмат бозори таркибини такомиллаштириш борасида қабул қилинган изчил чора-тадбирлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган банк, молия ва суғурта хизматининг янги истикболли турлари жадал ривожланишини таъминлади ва улар ушбу давр мобайнида 3 баробар ўсди.

Аҳоли тўлов қобилиятининг ортиши кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан 1992 йил билан қиёслаганда, 2,2 баробар, маиший хизматлар бўйича эса 8,3 баробар ўсишини тақозо этди, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, биринчи навбатда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг ўсиши ҳисобидан 4,3 баробар ошди.



3.3-расм. Жамият таркибида ўрта қатламнинг улуши.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди (3.3-расм)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароит яратди. Мазкур ислохотлар натижасида 1991-2011 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Расмда келтирилган маълумотларга кўра, 1990 йилда ўртача даромадга эга бўлганлар аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда, уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2011 йилда эса 62 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган.

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ялпи харажатларининг таркиби, фоизда

Кўрсаткичлар	1991 й	2001 й	2010 й	2011 й
1. Жами харажатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан:				
истеъмол харажатлари	81,1	84,3	78,4	78,1
Истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, аъзолик бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар)	7,1	6,9	6,2	6,0
пул омонатлари ва жамғармалар	11,8	8,8	15,4	15,9
2. Жами истеъмол харажатлари	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:				
озик-овқат маҳсулотлари учун	58,3	59,8	49,8	49,5
ноозик-овқат маҳсулотлари учун	31,5	26,8	33,7	33,8
хизматлар учун тўловлар	10,2	13,4	16,5	16,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Агар 1991 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46-48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди. Шу билан бирга, 2011 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилга нисбатан 6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди (3.1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турганидек, 1991-2011 йиллар давомида жами харажатлар таркибида истеъмол харажатларининг улуши 81,1 фоиздан 78,1 фоизга, истеъмолдан ташқари харажатлар улуши 7,1 фоиздан 6,0 фоизга қисқарган, аксинча, пул омонатлари ва жамғармалар улуши 11,8 фоиздан 15,9 фоизга ортган.

3.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши (аҳоли жон бошига, килограмм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар				2011 йилда 1991 йилга нисбатан фоизда
	1991	2001	2010	2011	
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	158	92,9
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	39	125,8
Сут маҳсулотлари	183	162	239	242	132,2
Тухум (дона)	97	47	138	140	144,3
Сабзавот ва полиз экинлари	107	128	238	241	225,2
Қартошка	29	36	45	47	162,0
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	13	13	108,3
Шакар	12	16	17	18	150,0
Мева, жумладан, узум	23	42	83	85	369,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Шу билан бирга, оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бормоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар

улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига қараганда, 1991-2011 йилларда нон ва нон маҳсулотларининг истеъмоли камайган, аксинча, қолган озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли ортган (3.2-жадвал).

Ўзбекистонда аҳоли сони 1991-2011 йиллар мобайнида 38,2 фоиз ошганига қарамасдан, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 25,8 фоизга ортди, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари 32,2 фоиз, тухум 44,3 фоиз, сабзавот 2,2 баробар, картошка 1,6 баробар, мева 3,7 баробар ва шакар 1,5 баробар ўсди. Айти вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробар ошди.

3.3-жадвал

Асосий енгил саноат маҳсулотларининг аҳоли томонидан истеъмол қилиниши, аҳоли жон бошига (йил бошига нисбатан)

Кўрсаткичлар	1991 й	2001 й	2010 й	2011 й
Матолар, жами (метр)	7,1	5,6	9,7	10,0
шу жумладан:				
Пахта толасидан тайёрланган газламалар (метр)	2,2	2,2	2,9	3,0
Жун газлама (метр)	0,3	0,3	0,7	0,8
Зиғир толасидан тўқилган матолар, шойи, ипак газламалар (метр)	1,8	3,2	4,6	4,7
Аралаш матолар	0,7	-	1,5	1,5
Устки кийимбоп трикотаж (дона)	0,6	1,1	2,5	2,6
Ички кийимбоп трикотаж (дона)	0,9	1,6	3,5	3,6
Чарм пойафзал (жуфт)	1,6	3,2	3,4	3,5
Пайпоқ маҳсулотлари (жуфт)	3,7	6,0	6,7	6,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг ортиши билан бир қаторда асосий енгил саноат маҳсулотларининг истеъмоли ҳам кўпайиб бормоқда (3.3-жадвал).

Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг катта қисми илгари республикамизда ишлаб чиқарилмас, балки четдан келтирилар эди. Жумладан, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр чангютгичлар, енгил машиналар 100 фоиз, газмолларнинг қарийб 40 фоизи, барча турдаги оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларнинг 30 фоизи четдан олиниб келинади.

Мустақиллик йилларида юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча фаол ўсиши асосан 2000 йилдан сўнг, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар босқичма-босқич яратила бошланганидан кейин кузатилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Юртимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотлари, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Агар 2000 йилга қадар, ўтиш даврининг объектив шарт-шароитлари туфайли, аҳолининг асосий ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва таъминоти пасайган бўлса, сўнгги ўн йилликда бу борадаги кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бу жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва ноқуёлай маиший ва электротехника буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатидан эски буюмлардан кескин фарқ қиладиган маҳсулотларни тез сотиб олмоқда.

Қайд этилган даврда мутлақо янги маҳсулотлар пайдо бўлди. Бугун уларни хонадон эгалари катта қизиқиш билан сотиб олмоқда: рақамли

телевизор ва фотоаппаратлар, сунъий йўлдош антенналари ва мобиль телефонлар, DVD плейерлар, компьютер ва унга қўшимча қурилмалар, ноутбуклар ва бошқа электрон техникалар, қурилиш материалларининг янги турлари, қадоклаш буюмлари ва бошқа рўзгор ашёлари шулар жумласидандир. Шуниси эътиборлики, хонадонларнинг замонавий маиший ва электротехника билан таъминланиш суръатлари юртимизнинг барча ҳудудларида бир маромда, мутаносиб тарзда ўсиб бормоқда (3.4-жадвал).

3.4-жадвал

Аҳолининг узок муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиши (ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)


Кўрсаткичлар	2001 й	2010 й	2011 й
Телевизорлар	88	132	133
Музлатгич ва музхоналар	86	99	101
Кондиционерлар	11	18,5	19,1
Электро чангютгичлар	30	37	38
Шахсий компьютерлар	0,2	12	14
Фотоаппарат ва видеокамералар	21	24	25
Видеомагнитофон, видеоплейер ва DVD плейерлар	31	64	66
Кир ювиш машиналари	69	75	76
Мобиль алоқа воситалари	18	145	149
Ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	38,9	51,5	51,7
Ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	20,1	27,1	27,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, узок муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юксак даражага эришилган. Буни ҳар 100 хонадонга 133 та телевизор, 101 та совутгич, 66 та DVD плейер, 149 та мобиль телефон тўғри келиши тасдиқлайди.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларининг сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада


яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёслаганда, ҳозирги вақтда 7,2 баробар ошди (3.4-расм).



3.4-расм. Ўртача ойлик иш ҳақининг харид қобилияти (минимал истеъмол саватчасига нисбатан, марта ҳисобида).

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995-2010 йилларда аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ошиб борди. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000-2010 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 28,6 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги қарийб барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари – омонатларига эга.



3.5-расм. Аҳоли жамғармаларининг 1995 йилга нисбатан ўсиши.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Уларнинг улуши ҳозирги пайтда 8,5 фоизни ташкил этмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

3.2. Ўзбекистонда аҳоли даромадларини оширишнинг асосий йўналишлари

Мамлакатда эришилган макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва аҳолининг бозор муносабатларига мослашувини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг пул даромадлари ва иш ҳақи миқдорини сезиларли даражада ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш республикамиз ҳукумати ижтимоий сиёсатининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бу масаланинг ечимини қуйидаги омиллар ҳисобига амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, мамлакатда иқтисодиётнинг юқори суръатда ривожланишини таъминлашга йўналтирилган барча омилларни ишга солиш аҳоли турмуш даражаси ва даромадининг ўсишига олиб келувчи муҳим омил ҳисобланади.

Иккинчидан, иқтисодий юксалишнинг бу ютуқларига экстенсив омиллар ҳисобига эмас, балки кўпроқ меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигининг ўсиши ҳисобига эришиш лозим. Хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, шу жумладан, фермер хўжалиги секторидаги меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, аҳоли орасида яширин ишсизлик даражасини пасайтириш ва иш билан бандликни ошириш ҳисобига аҳоли пул даромадини кўпайтириш мумкин. Бунда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, инфляция даражасини аста-секин пасайтириш ва йилига 2-3% гача тушириш. Бу ҳолат олинган даромад ҳисобига аҳолининг харид қилиш имкониятларини оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли пул даромадларини оширишда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, кичик бизнес корхоналарининг иқтисодиётда тутган ўрни ва роли унинг қўйидаги афзалликларида янада яққолроқ намоён бўлади.

- кичик ишлаб чиқариш бозор талаби ўзгаришларига тезда мослашади. Йирик корхоналарда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ёки янги технологияни жорий этиш йирик сарф-харажатларни талаб қилади ва бу жараёнда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва даромадларнинг камайиши юз беради. Кичик корхоналар эса ўз ишлаб чиқаришларини осонлик билан, йирик сарф-харажатларсиз янги маҳсулот томон буришлари мумкин;

- кичик бизнес кишиларда иш билармонлик, ижодкорлик, ташаббускорлик қобилиятларининг ривожланишига олиб келади, ҳар бир кишига ўз қобилиятларини намоён қилиш, ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш имконини беради. Йирик корхоналарда эса «тенглик» тамойили амал қилади. Кўп ҳолларда ташаббускор кишилар йирик корхоналарда ишлар экан ўз ташаббуслари ва ҳаракатларига муносиб жавоб топа олмайдилар;

- кенг тармоқли кичик корхоналар тизимининг ривожланиши маҳаллий ресурслардан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Йирик корхоналарнинг бундай фаолиятдан оладиган фойдаси кам бўлганлиги туфайли бунга алоҳида эътибор қаратмайдилар;

- кичик корхоналарда талабнома харажатлари ва бошқарув аппаратига сарфланадиган харажатлар йирик корхоналарга нисбатан анча кам;

- кичик бизнесни капитал сиғими йирик корхоналарга нисбатан анча паст ва ўзини-ўзи қоплаш муддати анча тез;

- кичик тадбиркорликнинг ривожланиши меҳнатни интенсивлаштириш учун қулай шароит барпо этади, унда йирик корхоналардан фарқли ўлароқ ишлаб чиқариш натижалари ва ишловчилар манфаатлари ўртасидаги бевосита боғлиқлик яққол кўриниб туради ва ҳоказо.

Шу муносабат билан бу соҳада республикамизда қатор ижобий натижаларга эришилди


Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта куриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охирги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб

чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди(3.6-расм).




3.6-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги


ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

2012 йилда солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда (3.7-расм).



3.7-расм. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқарди. Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 2690,2 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 4041 млрд. сўмни ташкил этди(3.8-расм).



3.8-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори.

Расмдаги маълумотлардан кўринадик, 2001-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори қарийб 24 мартага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;
- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;
- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291126 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдоридаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.

Шу муносабат билан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди..

ХУЛОСА

Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли даромадларининг шаклланиш хусусиятларига бағишланган магистрлик диссертацияси натижаларини умумлаштириш куйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Аҳоли даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, инсонларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши каби ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий турмуш имкониятлари унинг даромадлари даражасига боғлиқ бўлади. Инсон даромадининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот олиш, бўш вақтини маданий тарзда ўтказиш имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

2. Иқтисодий адабиётларда «даромад» тушунчаси ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг маҳсулотни ишлаб чиқариш сарф-харажатларидан олиши деб, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва унинг томонидан ўзлаштирилган улуши деб тушунилади.

3. Даромадлар пул ва натурал шаклида бўлиши мумкин. Аҳолининг пул даромадлари меҳнаткашлар учун иш ҳақи ҳисобидаги барча пул маблағлари тушуми; пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар; мулкдан фоиз, дивидендлар, рента кўринишидаги даромадлар; аксиялар, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, чорва ҳайвонлари, томорқа хўжалиги маҳсулотлари, турли буюмлар ва бошқа товарларни сотишдан тушадиган пул тушумлари, турли хизматлар кўрсатиш учун ҳақлар ва ҳоказолардан ташкил топади.

Аҳолининг натурал даромадлари - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча тушумлари: деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, боғ-кўрғон, сабзавот-полиз экинлари участкаси, шахсий томорқа, табиат

инъомларидан шахсий, оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган маҳсулотлар каби тушумлардан иборат.

4. Аҳоли даромадлари номинал ва реал кўринишда бўлади. Номинал даромадлар - пул кўринишида олинган даромадлардир. Реал даромадлар истеъмол нархларининг индексига қараб тузатилган жорий даврдаги номинал пулли даромадлардир.

5. 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра Марказий Осиё “бешлиги”нинг умумий аҳолиси 65,5 млн. кишига яқин бўлиб, энг кўп аҳолига эга бўлган Ўзбекистонда 29211 минг киши истиқомат қилган. Ундан кейинги ўринни Қозоғистон Республикаси эгаллайди ва унинг аҳолиси 16101 минг кишини ташкил этади. Қолган учта республиканинг аҳолиси бу икки республикага нисбатан анча кам бўлиб 5-7 млн кишига тенг.

6. Минтақа мамлакатларининг жами ялпи ички маҳсулоти 193 млрд долларни, жами экспорт ҳажми 127,3 млрд долларни ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткич Қозоғистонда кузатилади. Минтақада ишлаб чиқариладиган жами ялпи ички маҳсулотнинг 64,8 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади. Иккинчи ўринда Ўзбекистон бўлиб, минтақа мамлакатлари жами ялпи ички маҳсулотининг қарийб 20 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилади.

7. Агар бу кўрсаткични аҳоли жон бошига тўғри келишини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич бўйича ҳам Қозоғистон Республикаси минтақада яққол пешқадам ҳисобланади. Бу ерда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 7949,8 долларни ташкил этади. Кейинги ўринларни Туркменистон (2343 доллар) ва Ўзбекистон (1235 доллар) эгаллайди.

8. Экспорт ҳажми бўйича минтақа мамлакатларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, экспортнинг энг катта ҳажми Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади. 2011 йилда Қозоғистон 88,1 млрд

долларлик товар ва хизматлар экспорт қилган. Кейинги ўриндаги Ўзбекистон 15 млрд. доллар миқдорида товар ва хизматларни экспорт қилган. Минтақа мамлакатлари томонидан амалга оширилган экспортнинг 82,6 фоизи ушбу икки мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

9. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларда Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг даромадлари динамикаси ва таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берган. Бу энг аввало минтақа мамлакатлари иқтисодиётига бозор тамойилларининг жорий этилаётганлиги билан боғлиқ. Масалан: аввал аҳоли пул даромадлари таркибида дивиденд, фоиз, тадбиркорликдан ва чет эл валютасини сотишдан тушган даромадлар акс этмас эди. Ҳозирги кунда бу даромадлар аҳоли даромадларида салмоқли ўринга эга. Аҳоли харажатларига эса банк билан ҳисоб-китоб қилиш учун пластик карточкаларни сотиб олиш, корхоналар акцияларини сотиб олиш, чет эл валюталарини сотиб олиш ва шу каби харажатлар қўшилган.

10. Бугунги кунда аҳоли даромадларининг катта қисмини тадбиркорлик даромадлари (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва мулкдан олинадиган даромадларни қўшган ҳолда) ташкил этади. Агар 2007 йилда жами аҳоли даромадларининг 52,1 фоизи тадбиркорлик даромадлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 46,6 фоизни ташкил этди. Бу аҳолида бозор муносабатлари руҳияти шаклланаётганидан, мулкчилик муносабатлари ривожланаётганлигидан аслолат беради.

11. Жами аҳоли даромадларида кейинги ўринни иш ҳақи эгаллайди. Иш ҳақининг жами аҳоли даромадларидаги улуши 2007 йилда 32,1 фоиздан 2011 йилда 39,4 фоизгача ўсди. Шу ўринда бир жиҳатга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Гарчи жами аҳоли даромадларида тадбиркорлик даромадлари улушининг юқори салмоққа эга эканлиги кўпчилик иқтисодчилар томонидан ижобий баҳоланаётган бўлса-да, унинг айрим салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Чунончи, даромадларнинг асосий қисмининг

бошқа фаолият туридан олинши кишиларни ўз касбларига бўлган эътиборининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бу эса касбий тайёргарлик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда аҳоли даромадларининг 80-90 фоизи иш ҳақи ҳисобидан шаклланади.

12. Бугунги кунда аҳоли пул харажатларининг асосий қисми истеъмол харажатларига тўғри келади. Агар 2007 йилда жами пул харажатларининг 73,5 фоизи истеъмол харажатлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 70,5 фоизга етди.

13. Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилади. Қозоғистонда жами пул даромадларининг 73,1 фоизи меҳнат даромадлари ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда ижтимоий трансфертлар Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан (Ўзбекистондан ташқари) сезиларли даражада юқори – 13,1 фоиз. Бу ҳолат давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини билдиради. Айни вақтда Қозоғистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромад улуши бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлиб, бу ҳолат Қозоғистон Республикаси иқтисодиётининг таркиби билан боғлиқ. Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қозоғистон иқтисодиётида саноат ишлаб чиқаришининг улуши энг юқори бўлиб, бу ҳолат республиканинг ёқилғи-энергетика, рангли ва қора металлургия учун хом ашёга бой эканлиги ва шу асосда фаолият юритадиган кўплаб саноат корхоналарининг мавжудлиги билан аниқланади. Бу ҳолат иш ҳақининг жами пул даромадлардаги улушининг юқорилигида (73,1 фоиз) ҳам ўз аксини топади.

14. Тожикистон ва Қирғизистон аҳолисининг даромадлари таркиби ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хусусан, ҳар иккала мамлакатда ҳам

иш ҳақининг жами пул даромадлардаги улуши сезиларли даражада паст бўлиб, мувофиқ равишда 25,8 ва 33,6 фоизни ташкил этади. Айни вақтда бу икки мамлакатда ёлланма меҳнат асосида ишлаётганлар даромадлари сезиларли ўринга эга. Хусусан, 2010 йилда бу кўрсаткич мос равишда 31,4 ва 18,1 фоизга тенг бўлган. Бу ҳолат шу билан тушунтириладики, Тожикистон ва Қирғизистон меҳнат ресурсларининг катта қисми Россия, Қозоғистон каби мамлакатларда ёлланма меҳнат асосида фаолият юритадилар. Улар томонидан ўтказиладиган пул ўтказмалари аҳоли пул даромадларининг сезиларли қисмини ташкил этади.

15. Марказий Осиё мамлакатларида ўртача иш ҳақи миқдори бўйича энг етакчи ўринни Қозоғистон эгаллайди. Бу ерда ўртача иш ҳақи 2011 йилнинг декабрь ойида 630 долларни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич эса Тожикистонга тегишли – 110 доллар. Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катта ва энг кичик кўрсаткичлар ўртасидаги нисбат 5,7 мартага тенг. Албатта, Марказий Осиё мамлакатлари ўртача иш ҳақлари ўртасидаги бундай тафовут минтқа мамлакатлари ўртасида интеграция алоқаларининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

16. 2012 йил бошида минимал иш ҳақи даражаси Марказий Осиё мамлакатларида 17 доллардан (Тожикистон) 116,5 долларгача (Қозоғистон)ни ташкил этди. (таққослаш учун: Бельгия, Буюк Британия, Францияда бу кўрсаткич – 1797–1925 долларни, Испания ва АҚШда – 1029 ва 1023 долларни, Польшда – 460 долларни, Болгарияда – 165 долларни ташкил этади). 2011 йилнинг декабрь ойида пенсияларнинг минимал миқдори миллий валюталар курсларидан келиб чиққан ҳолда Қозоғистонда 146 долларни (2007 йилда 85 доллар бўлган), Тожикистонда 30 долларни (6 доллар), Қирғизистонда 32 долларни (11 доллар) ташкил этди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2011. - 406.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 1 май.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 август.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. /”Халқ сўзи” газетаси 2008 йил 12 июль

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 август.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни. 2010 йил 19 май.

1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни. 2010 йил 22 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 746.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 666.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 746.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 2696.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326б.

2.6. Каримов И.А. Мулкдорлар синфини шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 5-том. – 332-339б.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48б.

2.8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96б.

2.9. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. /Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

2.10. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Президент И.А. Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. – Т.: Халқ сўзи. 2008 йил 9 февраль.

2.11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56б.

2.12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80б.

2.13. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48б.

3. Китоблар и монографиялар

3.1. Абдурахмонов Қ.Х., Аллаяров А.Л., Додобоев Ю.Т., Хасанжонов Қ.А. Марказий Осиё давлатларининг регионал иқтисодиёти. – Т.: “Turon-Iqbol” нашриёти, 2006. – 424 б.

3.2. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Информационно-внедрический центр «Маркетинг», 2008. – 312 с.

3.3. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005. – 464 с.

3.4. Алчинов В.М. СНГ – Россия – Евросоюз. Проблемы и перспективы интеграции /В.М. Алчинов; Дипломат. акад. МИД России, Ин-т актуал. междунар. проблем. – М.: Восток – Запад, 2008. – 220 с.

3.5. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее /Т.: 2010. – 218 с.

3.6. Баринов В.А. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.

3.7. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2007. – 359 с.

3.8. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.

3.9. Вахабов А.В. и другие. ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок /под ред. С.Ф. Сутырина. – М.: Эксмо, 2008. – 400 с.

- 3.10. Динкевич А.И., Швыдко В. Г. Страны Центральной Азии - новая фаза переходного периода / Ин-т востоковедения РАН. - М., 2005. - 174 с.
- 3.11. Дюмулен И.И. Всемирная торговая организация. Экономика, политика, право. - М.: ВАВТ, 2008. - 347 с.
- 3.12. Иванов Э.М. Экономические отношения России со странами Центральной Азии / Под ред. Е.М. Кожокина; Рос. ин-т стратег. исслед. - М., 2006. - 127 с.
- 3.13. Кругман П.Р., Обсфельд М. Международная экономика: теория и практика. /Пер. с англ. М.: МГУ, ЮНИТИ, 1997. – 349 с.
- 3.14. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник /под ред. проф. А.С. Булатова, проф. Н.Н. Ливенцева - М.: Магистр, 2008. – 654 с.
- 3.15. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. /Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 715 с.
- 3.16. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: Внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. - Т.: Узбекистан, 1996. – 80 с.
- 3.17. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с.
- 3.18. Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмаматов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.
- 3.19. Устинов И.Н. Мировая торговля: статистическо-энциклопедический справочник. //И.Н. Устинов. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2006. – 848 с.

3.20. Харламова В.Н. Международная экономическая интеграция. М.: Анкил, 2002. – 208 с.

3.21. Центральная Азия: геοэкономика, геополитика, безопасность. Т.: «Шарк». 2002. – 208 с.

3.22. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. – 248 с.

3.23. Черников Г.П. Мировая экономика. М.: Дрофа, 2003. – 432 с.

3.24. Шишков Ю.В. Интеграционные процессы на пороге XXI века: Почему не интегрируются страны СНГ. М.: НП «III тысячелетие», 2001. – 352с.

3.25. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. /Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар. //С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.

4. Журнал ва илмий тўпламлардаги мақолалар

4.1. Абатуров В. Центральноазиатская интеграция под эгидой АБР. //Экономическое обозрение. 2003, №12. - с.13-17.

4.2. Арифханов Ш. Р. Формирование Центрально-азиатского общего рынка с учетом национальных интересов Узбекистана. //«Экономика Узбекистана» информационно-аналитический бюллетень за 2005 год. – 2006, №8. – с.117-120.

4.3. Афонина В.Ю. Единое экономическое пространство России, Украины, Белоруссии и Казахстана: виртуальная модель и вероятная перспектива. //Проблемы современной экономики. – 2007. - №1 (21). – с.8-11.

4.4. Бедринцев А. Узбекистан в мирохозяйственных связях: интеграционное взаимодействие. // Ж.Мировая экономика и международные отношения. 1999 г. №2. с. 99-104.

4.5. Бекмурадов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект). // Xalqaro munosabatlar. 2000, №2. - с.3-10.

4.6. Грызлов Б.В. О деятельности Межпарламентской ассамблеи ЕврАзЭС по правовому обеспечению развития евразийского экономического сообщества. // Проблемы современной экономики. – 2006. - №3/4 (19/20). – с.5-7.

4.7. Доулинг М., Вигнараджа Г. Экономическое возрождение республик Центральной Азии: рубеж пройден // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2005. - №6. - с. 120-132.

4.8. Дусчанов Р. О возможности использования опыта интеграции стран Западной Европы государствами Центральной Азии. // Центральная Азия и Кавказ. 2003, №5. - с.204-207.

4.9. Зевин Л.З., Ушакова Н.А. Россия и Центральная Азия: Проблемы и перспективы экономических отношений // Восток=Oriens. - 2005. – №2. - С.77-89; №3. - С.91-103.

4.10. Зиядуллаев Н.С. Сотрудничество России с Центральной Азией в рамках региональных организаций (ЕврАзЭС, ШОС и др.) // Рос. внешнеэкон. вестн. - 2006. - №10. - с.35-45.

4.11. Концептуальные основы экономической интеграции стран Центральной Азии // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2004. - №5. - с. 175-179.

4.12. Королев П.Ю. Проблемы формирования системы таможенных пограничных пунктов пропуска РФ в контексте экономических преобразований в СНГ и ЕврАзЭС. // Проблемы современной экономики. – 2007. - №3 (23). – с.9-13.

4.13. К сближению и унификации законодательства государств-членов Евразийского экономического сообщества в сфере приватизации. // Проблемы современной экономики. 2006, №1/2 (17-18), - с. 24-26.

4.14. Кулматов Т.Ш. К вопросу о практике реализации решения глав государств-членов ЕврАзЭС о формировании таможенного союза сообщества. //Проблемы современной экономики. – 2006. - №1/2 (17/18). – с.32-34.

4.15. Либман А. экономическая интеграция на постсоветском пространстве: институциональный аспект. //Вопросы экономики. 2006, №3. – с.142-156.

4.16. Лобанова Е.В., Моденов В.А. Приоритетные направления развития ЕврАзЭС и вопросы миграционной политики. //Проблемы современной экономики. – 2006. - №3/4 (19/20). – с.12-14.

4.17. Никулин Н.Н. СНГ в международном разделении труда: национальные интересы и экономическая стратегия. //Вопросы статистики. 2005. - №10. – с.68-72.

4.18. Парамонов В., Камилов И., Строков А. Состояние и перспективы интеграции в Центральной Азии. // Экон. обозрение. - Ташкент, 2005. - №2. - с. 6-11.

4.19. Плышевский Страны СНГ: послекризисное оживление экономики. //Проблемы теории и практики управления. 2004. №3. – с.17-24.

4.20. Рапота Г.А. О деятельности Межгосударственного совета и Интеграционного комитета ЕврАзЭС в 2005 г. //Проблемы современной экономики. – 2005. - №1/2 (13/14). – с.12-15.

4.21. Рахматуллина Г. Интеграционные процессы в Центральной Азии. Возможности формирования общего рынка // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2005. - №6. - С. 133-139.

4.22. Резникова О.Б. Экономическое развитие государств Центральной Азии и Кавказа: роль внешних ресурсов. //Мировая экономика и международные отношения. – 2003, №4. – с.87-96.

4.23. Станбеков Т.А. О евразийской направленности развития топливно-энергетического комплекса государств-участников ЕврАзЭС и СНГ: возможности и перспективы. //Проблемы современной экономики. – 2007. - №1 (21). – с.13-16.

4.24. Суханова И. Россия и Центральная Азия: реалии и перспективы экономического сотрудничества. // Мировая экономика и международные отношения. 1998, №5. - с.12-21.

4.25. Талипов Ф. Сравнительный анализ интеграции в СНГ и Центральной Азии. //Центральная Азия и Кавказ. 1999, №5-6. - с.143-145.

4.26. Терехов В. Актуальные проблемы экономики России и СНГ. //Экономист. 1999, №10. - с.3-15.

4.27. Тумарова Т.Г., Корнилович С.Г. Условия формирования оптимальной валютной зоны в рамках евразийского экономического сообщества. //Проблемы современной экономики. – 2007. - №1 (21). – с.4-7.

4.28. Ушакова Н. Центральноазиатское сотрудничество: направления трансформации. //Центральная Азия и Кавказ. 2003, №3. – с.14-19.

4.29. Хачиев Г. Центральная Азия: портрет на фоне мировой экономики // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea (Швеция), 2006. - №2. - С.137-146.

4.30. Хидоятов Г. Безопасность и сотрудничество в Центральной Азии: проблемы, поиски и решения. //Xalqaro munosabatlar 2000, №2. - с. 53-64 .

4.31. Черкасов Н.А. О методологических основах концепции развития Евразийского экономического сообщества в XXI веке. //Проблемы современной экономики. – 2006. - №1/2 (17/18). – с.10-12.

4.32. Черкасов Н.А. Экономическая деятельность государства в условиях глобализации и региональной интеграции. //Проблемы современной экономики. – 2006. - №3/4 (19/20). – с.18-21.

4.33. Шишков Ю.В. Отечественная теория региональной интеграции: опыт прошлого и взгляд в будущее. //Мировая экономика и международные отношения. 2006, №4. – с.54-63.

4.34. Шодиев Р. Внешнеэкономическая деятельность Узбекистана: ретроспектива и перспективы развития. //Xalqaro munosabatlar. 2001, №3. - с.31-38.

4.35. Шумский Н.Н. Единое экономическое пространство Беларуси, Казахстана, России и Украины: проблемы и перспективы. //Вопросы экономики. 2006, №4. – с. 114-123.

4.36. Шумский Н.Н. Интеграция в Содружестве Независимых Государств: проблемы и перспективы. //Мировая экономика и международные отношения. 1999, №11. - с.72-83.

4.37. Южный фланг СНГ. Центральная Азия - Каспий - Кавказ: энергетика и политика /Под ред. А.В. Мальгина, М.М. Наринского. - М.: Nabona, 2005. - Вып. 2. - 456 с.

4.38. Юданов Ю.И. Восточноевропейский регион СНГ: поиск новых концепций «благоприятности инвестиционного климата». //Мировая экономика и международные отношения. 2000. №10. – с.61-70; №11. – с.104-110.

4.39. Юданов Ю.И. Центральная Азия - новый фаворит иностранных инвесторов. //Мировая экономика и международные отношения. 2000 г. №3, 4. с. 72-80.

5. Зарубежная литература

5.1. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998, - 618 pp.

5.2. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997, pp. 7-9.

5.3. Audretsch, David B. Industrial Organization and The New Industrial Policy. London, Centre for Economic Policy Research, (Discussion Paper Series), October 1998, - 51 p.

5.4. Balassa, B. The Theory of Economic Integration. London: Georg Allen & Unwin, 1962

5.5. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933.

5.6. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Theory of Effective protection and Resource Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3, pp. 259-28.

5.7. Bruno and Chenery or Chenery and Bruno. Development Alternatives in an Open Economy: The Case of Israel. – Economic Journal, 1962, March, N285; Vol. 72, pp. 79-103.

5.8. Chenery, Hollis B. and Strout, Alan. Foreign Assistance and Economic Development. – American Economic Review, 1966, September, Vol. 56, pp. 679-733.

5.9. A. Harrison. Openness and growth: a time series, cross-country analysis for developing countries. – National Bureau of Economic Research, Working Paper N5221, pp. 2-3.

5.10. Krugman P. Import protection as Export promotion: International Competition in the Presence of Oligopolies and Economies of Scale. In: Monopolistic Competition and International Trade. – Oxford Univ. Press, 1984.

5.11. Stiglitz, Jozef T. Towards a New Paradigm for Development: Strategies, Policies and Process. – Prebisch Lecture at UNCTAD, 1988, Geneva, October 19.

5.12. Ricardo David. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge: Cambridge University Press, 1951.

5.13. Samuelson Paul. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal, N 58, 1948. – pp. 163-184.

5.14. Stark, David, and Laszlo Bruszt. 1998. Postsocialist Pathways: Transforming Politics and Property in East Central Europe. Cambridge, MA: Cambridge University Press.

6. Статистик тўплamlар

6.1. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2006. – 97 б.

6.2. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. Т.: 2008. – 128 б.

6.3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 102 б.

6.4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 145 б.

6.5. Йиллик статистик тўплам 2008. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2009. – 386 б.

6.6. Статистическое обозрение Узбекистана за 2009 год. Т.: 2010. – 87с.

6.7. Доклад о человеческом развитии. Т.: 2008. – 204 с.

6.8. Внешняя торговля Кыргызской Республики 2004-2008. Бишкек 2009. – 156 с.

6.9. 15 лет Содружества Независимых Государств (1991-2005): Статистический сборник / Межгосударственный статистический комитет СНГ. - М., 2006.- 437 с.

6.10. Содружество Независимых Государств в 2009 году. М.: 2010. – 244 с.

6.11. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2010. – 70с.

7. Интернет манбалари

- 7.1. <http://www.unctad.org>
- 7.2. www.ifc.org
- 7.3. www.stat.uz
- 7.4. www.bearingpoint.uz, www.pca.uz
- 7.5. www.cer.uz
- 7.6. www.press-service.uz.
- 7.7. www.cisstat.org.
- 7.8. [www. ereport.ru](http://www.ereport.ru)
- 7.9. <http://www.stat.kz>
- 7.10. <http://www.stat.kg>
- 7.11. <http://www.stat.tg>
- 7.12. <http://www.natstat.gov.tm>